

**«МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ:  
АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР»  
фанидан  
ДАСТУР**

**Тузувчилар:** ф.ф.д., проф. С. Рахимов,  
к.ўк. Н.Т. Парпиева.

**Такризчилар:** ф.ф.д., проф. Н. Маматов,  
ф.ф.н., проф. М. Зарипов.

Мазкур дастурда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанини ўқитиш билан боғлиқ бўлган кўрсатмалар ва тавсиялар ўз аксини топган. Бундан ташқари миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойилларнинг предмети ва мазмуни, ғоя ва мафкура тушунчаларининг мазмуни, ғоявий жараёнлар, бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси, таракқиётнинг ўзбек модели, миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойиллари ва ғоялари каби мавзуларнинг муҳим йўналишлари, фанни ўрганиш учун зарур бўлган асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхатлари берилган.

В данной программе излагаются рекомендации и указания по преподаванию предмета «Идея национальной независимости: основные понятия и принципы». Кроме того, в ней изложено основное содержание понятий «идея» и «идеология», роль идеологии в истории человечества, основные принципы идеологии национальной независимости, духовное развитие молодого поколения. В программе приведена необходимая основная и дополнительная литература по изучению данного предмета.

In this curriculum main organizational and methodical recommendations on teaching course of ideology of national independence: main ideas and principles is counted. Except this main directions of themes as subject of ideology of national independence: main ideas and principles and its meaning, ideological process, thinking environment of today's world, uzbek model of development, basic principles and ideas of national independence ideology, list of main and additional literature necessary for studying this subject is given.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия қилинган. (25 апрель 2002 йил 9 - сонли баённома).

## 1. СЎЗ БОШИ

Бакалаврлар тайёрлаш бўйича қабул қилинган янги Давлат таълим стандартининг ўқув режасига мувофиқ мазкур фанни ўқитиш кўзда тутилган. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда ушбу дастур ишлаб чиқилди.

Иқтисодий олий ўқув юртлири ва факультетларида кенг ихтисосдаги иқтисодчи - бакалаврларни тайёрлаш учун зарур бўлган фанлар орасида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани муҳим ўрин эгаллайди. Иқтисодчи - бакалавр миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фанининг методологиясини мукамал эгаллагандагина ўз фаолиятида амалий ва назарий малакасини уйғунлаштира олади.

Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар курсида мустақил тараққиёт йилларида тўпланган тажриба, дунё жамоатчилиги томонидан «Ўзбек модели» деб аталган ўзимизга хос ва ўзимизга мос тараққиёт йўлининг мазмун моҳияти очиб берилган. Мазкур фан, келажаги буюк давлат барпо этиш борасида амалга оширилаётган барча тарихий ўзгариш ва янгиланишларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини кенгроқ англаш имконини беради. Фан миллий мафкура моҳияти, кўп миллатли Ўзбекистон халқининг эзгу ғоя - озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асосий орзу интилишлари, ҳаётий идеалларини акс эттиради.

Мазкур курсни ўқитишнинг асосий мақсади, иқтисодчи - бакалаврларни миллий мафкурага оид билимлар билан қуроллантириш, ҳамда ўсиб келаётган ёш авлоднинг онги ва қалбида мафкуравий иммунитетни ҳосил қилишдир. Шунингдек, жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнларни таҳлил қилишга ва бу соҳадаги муаммоларни илмий ҳал этишга тайёрлашдан иборатдир.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанини самарали ўрганиш учун бакалаврлар философия, социология, психология, тарих, ҳуқуқшунослик, иқтисодий назария ва бошқа гуманитар фанларни ҳам мукамал ўрганмоғи лозим. Айниқса, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанини ўрганишда философия, социология ва тарих фанларининг роли жуда каттадир.

Ғоя, мафкура ва миллий истиқлол ғоясининг мазмун - моҳияти, алоқадор бўлган омиллар ва йўналишларни танлай олиш ва ундан фойдалана билиш кўникмаларига эга бўлмоғи зарур.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанини ўқитиш учун ўқув режаси бўйича 55 соат, шундан маъруза учун 33 соат (60%), семинар машғулоти учун 22 соат (40%) ажратилган.

Иқтисодчи - талабаларнинг материалларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш учун назорат иши, тест синовларини ўтказиш, жорий баҳолаш ва оралиқ назоратни ўтказиш кўзда тутилган. Фанни ўзлаштириш якуний назорат билан тугалланади.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича маъруза ва амалий машғулотларни ўтказишда ғоя ва мафкурага оид тушунчалар, категориялар, тамойиллар, вазифа ва мақсад кабилар каталогини ишлаб чиқиш, ҳамда ўқув мақсадини тест топшириқларига кўчириш, ўқув мақсадларига эришишнинг янги услубларидан фойдаланиш, бакалаврлар фаоллиги орқали уларни ўзлаштиришга ўргатиш, билим ва кўникмаларни тўлиқ эгаллашга, ўқув мақсадларини меъёрлаштирилган баҳолашга эришиш.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича ўқув дастурларини тайёрлашда билим ва таълим соҳаси, таълим йўналишлари ҳисобга олиниши лозим. Бундан ташқари давлатнинг таълим мазмунига қўяётган Давлат таълим стандарти талабига кўра ва бакалаврларнинг билим ва қизиқиш даражаларини ҳисобга олган ҳолда, асосий ва қўшимча адабиётлар тавсия қилинади, мустақил иш шакллари танланади, ҳамда информацион, компьютер ва бошқа янги таълим технологиясига алоқадор материаллар тавсия этилади.

## 2. ФАН ДАСТУРИ

### Ғоя ва мафкура тушунчалари, моҳияти ва мазмуни

Ғоя тушунчаси, унинг моҳияти ва мазмуни. Ғоя – инсон тафаккури маҳсули. Ғояларнинг шаклланиши ва намоён бўлиш хусусиятлари. Ғоя ва миллий ғоя. Миллий истиқлол мафкураси: асосий тушунча ва тамойиллар – ғоялар ва мафкуралар ҳақидаги фан. Унинг асосий мавзулари ва вазифалари.

Мафкура тушунчаси. Унинг моҳияти ва мазмуни. И.А. Каримов . жамиятда мафкуранинг мавжуд бўлиши ижтимоий ҳаётнинг қонуни эканлиги тўғрисида. Тарих ва тараққиётда мафкуралардан кўзланган мақсад ва муддаолар.

Ғоя ва мафкуранинг тарихий шакллари ва кўринишлари. Афсона ва ривоятлар – мифологиянинг дастлабки мафкуравий тизимлари. Динлар, диний ғоялар ва мафкуралар, уларнинг инсоният ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти. Ижтимоий, сиёсий, илмий ғоялар ва уларнинг инсоният ривожига таъсири.

*Миллий ғоя ва мафкуралар. Уларнинг моҳияти ва намоён бўлиш шакллари. Миллий ғоя – миллат тафаккури маҳсули.*

Миллий мафкура халқнинг маънавий эҳтиёжи, мақсади, орзу - интилишларини мужассам этувчи ғоялар тизими. Миллий мафкураларнинг умумий хусусиятлари ва асосий вазифалари. Жамият ҳаётида танланган ғоявий йўл ва миллий мафкуранинг аҳамияти.

*Миллий ғоя ва мафкуранинг моҳиятини ўрганиш – давр талаби. Ҳозирги даврда ёшларни ғоявий қуроқлантириш муаммолари.*

### Тарихий тараққиёт: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий мақсадлар

Ижтимоий тараққиёт – ғоя ва мафкуралар тарихи сифатида. Инсоният тарихи, тараққиёти ёки таназзулида ғоя ва мафкуранинг ўрни ва аҳамияти.

Мафкуравий жараёнларнинг ижтимоий шарт - шароит билан алоқадорлиги. Тарихда даврлар алмашуви ва мафкуралар ўзгариши. Ғоявий заифлик ва мафкуравий беқарорликнинг тарихдаги аччиқ сабоқлари.

Жамият ривожига ва бунёдкор ғоялар. Уларнинг моҳияти ва мазмуни. Бунёдкор ғоялар ва мафкураларнинг шакллари ва хусусиятлари. Жамият ва цивилизациялар ривожига улкан таъсир кўрсатган назариялар, таълимотлар ва мафкуралар. Зардушт, Сократ, Платон, Конфуций, Алишер Навоий, Махатма Ганди, Амир Темур ва бошқаларнинг бунёдкор ғоялари.

*Миллий давлатчилик ғояси ва унинг халқлар тараққиётига таъсири. Бунёдкор ғоялар ва ижтимоий барқарорлик.*

Вайронкор ғоя ва мафкуралар. Уларнинг моҳияти, хусусиятлари ва ижтимоий тараққиётга салбий таъсири. Вайронкор ғояларга қарши ғоявий - мафкуравий кураш зарурлиги.

*Инсоният ҳаётида ғояга қарши - ғоя, жаҳолатга қарши – маърифат - тамойили.*

### **Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси, глобаллашув ва геополитик жараёнлар**

Ҳозирги даврда ғоявий қарама - қаршиликларнинг кескинлашуви. Аср сўнгида икки қутбли дунёнинг барҳам топиши ва жаҳондаги мафкуравий манзаранинг тубдан ўзгариши. Жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишлар.

*Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви. Жаҳонда илмий кашфиятлар, универсал технологиялар ва ахборот тарқатишнинг глобаллашуви. Унинг мафкуравий вазиятга таъсири. Глобаллашув жараёнининг инсонлар дунёқараши ва тасаввурларини кескин ўзгаришига таъсири.*

*Глобаллашувнинг салбий оқибатлари ва уларга қарши кураш масалалари.*

### **Геосиёсат жаҳон, ва Марказий Осиёни мафкуравий бўлиб олишга уринишлар**

Ҳозирги давр геосиёсий мақсадлар ва мафкура. Геосиёсат тушунчаси. Мафкуравий таъсир кўрсатиш – геосиёсат воситаси. Жаҳон майдонларини мафкуравий бўлиб олишга уринишлар ва уларнинг асосий йўналишлари. Бундай мафкураларнинг асосий шакллари.

Марказий Осиё минтақасидаги мафкуравий жараёнларнинг хусусиятлари. Минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг муаммо ва вазифалари.

*Мафкуравий вазият, мафкуравий кураш ва мафкуравий иммунитет масалалари. ғилларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш зарурияти.*

### **Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият ва унинг ижтимоий табиати**

Мустақил Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг моҳияти ва хусусиятлари.

Унинг ижтимоий тараққиёт учун аҳамияти. Иқтисодиётнинг мафкуравий мақсадларга бўйсунмаслиги ва сиёсатдан устунлиги. Ўтиш даврида, ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби, маънавий янгиланиш ва мафкуравий жараёнларда ҳам давлатнинг бош ислохотчи эканлиги. *Жамият ҳаётида*

*қонуннинг устуворлиги. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш - бозор муносабатларига ўтишининг тадрижий йўли. Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг ижтимоий моҳияти ва унинг объектив жараён эканлиги.*

**Тараққиётнинг «ўзбек модели»: жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиёт йўналишлари.**

Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг асосий тамойиллари ва йўналишлари. Бу жараённинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳалардаги вазифалари.

*Жамият ҳаётида туб ўзгаришлар ва ислоҳотлар. Уларни амалга ошириш ва эркин демократик жамиятни барпо этишда миллий истиқлол мафкурасининг аҳамияти. Мамлакатнинг қулай жуғрофик ўрни, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятининг юқори эканлиги. Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсати. Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузининг ошиб бориши.*

**Мустақиллик ва мафкуравий муаммолар: ғоявий бўшлиқ ва зарарли ғояларнинг жамиятимизга таъсири.**

Миллат, жамият ва давлат мустақиллигига таҳдид соладиган интилиш ва ҳаракатларнинг мавжудлиги.

Ушбу таҳдидларга қарши кураш, маънавиятни юксалтириш, ғоявий мафкуравий соҳадаги муаммоларни ҳал этиш, миллий кадриятларимизни тиклаш ва муҳофаза қилишнинг асосий вазифалари.

Ғоявий бўшлиқ тушунчаси, унинг моҳияти ва намоён бўлиш хусусиятлари. Ғоявий бўшлиқни тўлдириш, зарарли ғоя ва ёт мафкураларнинг жамиятимизга таъсирини бартараф этиш муаммолари.

*Миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини шакллантириш - тарихий зарурият ва давр талаби.*

**Миллий истиқлол ғоясининг моҳияти ва асосий тамойиллари.**

*Миллий истиқлол мафкураси тушунчаси, унинг моҳияти ва мазмуни. И.А. Каримов асарларида миллий истиқлол мафкурасининг асослаб берилганлиги.*

Миллий истиқлол мафкурасининг тарихий, фалсафий илдизлари. Халқимизнинг бой маданий ва маънавий мероси, кадриятлари, урф - одатлари ва анъаналари. Миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда “Авесто”, “Қуръон”, дунёвий ва диний қарашлар, халқимизнинг озодлик, комил инсон тўғрисидаги ғояларнинг аҳамияти.

*Миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойиллари. Миллий ва умуминсоний кадриятларнинг уйғунлиги. Ҳаётда халқаро ҳуқуқ қоидаларига*

амал қилиниши. Жамият ҳаётининг барча соҳаларининг эркинлашуви. Устувор йўналишлар.

### **Миллий истиқлол мафкурасининг мақсад ва вазифалари.**

*Ўзбекистоннинг буюк келажagini бунёд этиши - миллий истиқлол мафкурасининг олий мақсадидир.*

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий вазифалари. Мустақиллик дунёқараши ва эркин тафаккурни шакллантириш. Мамлакатимизнинг кўпмиллатли халқи онгида “Ўзбекистон - ягона Ватан” деган тушунчани қарор топтириш. Миллий истиқлол мафкурасининг асосий хусусиятлари. *Миллий истиқлол мафкурасида Ўзбекистон халқининг туб манфаатларини ифодаланиши.*

### **Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари**

*Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этиши.* Бу ғоя халқимизнинг азалий эзгу интилишлари, бунёдкорлик фаолиятини акс эттириши. Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғоясида озодлик тушунчасининг устуворлиги. Бу ғояни амалга оширишда миллий истиқлол мафкурасининг аҳамияти.

### **Ватан равнақи**

*Ватан равнақи ғояси, унинг моҳияти ва мазмуни. Ватан – саждагоҳ каби муқаддас.*

Ватан - миллий ғоялар шаклланиши ва такомил жараёни кечадиган макондир. Ватанни севмоқ ва ватанпарварлик туйғуси. Давлатимизнинг иқтисодий қудратини ошиши, халқимизнинг маънавиятини юксалиши – Ватан равнақининг асоси. *Ватанпарварлик ва Ватан равнақи ғоясини ёшлар онгига сингдириши вазифалари.*

### **Юрт тинчлиги ғоясининг мазмун моҳияти. Инсоният тарихида уруш хавфидан халос бўлиш ва**

### **тинчликка интилиш ғоялари**

Тинчлик ва барқарорлик – мамлакатимизда ислохотларни амалга ошириш ва тараққиётимизнинг асосий шартлари сифатида. *Юрт тинчлиги – Ватан озодлиги ва мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқлиги.* Сиёсий маданият, миллатнинг ғоявий ва мафкуравий етуклиги – юрт тинчлигини сақлашнинг



муҳим омилдир. Бу ғояни амалга ошириш, уни ёшлар қалби ва онгига сингдиришдаги аҳамияти.

### **Халқ фаровонлиги**

*Халқ фаровонлиги ғояси, унинг моҳияти ва йўналишлари. Халқ фаровонлигига эришиш – миллатлар тарихи ва тараққиётининг бош мақсадларидан бири.*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар инсон ва унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши. Эркинлик, тадбиркорлик ва ташаббускорлик – фаровон ҳаёт асоси.

### **Комил инсон**

Комил инсон ғояси, унинг моҳияти ва мазмуни.

Ватанамиз тарихи ва тараққиётимизнинг ҳозирги даврида комил инсонни шакллантириш муаммосига бўлган эътибор ва қарашлар. Комил инсон ғояси ҳақида Шарқ мутафаккирларининг қарашлари.

Мамлакатимизда бу ғояни амалга оширишда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг аҳамияти. *Соғлом авлод узлуксизлигини таъминлаш - комил инсон тарбиясининг бош мезонидир. Комил инсонни тарбиялашнинг асосий вазифалари.*

### **Ижтимоий ҳамкорлик**

*Ижтимоий ҳамкорлик ғояси, унинг асосий жиҳатлари ва намоён бўлиш хусусиятлари.*

«Туркистон - умумий уйимиз» ғояси миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойилларидан бири сифатида. Жамиятдаги турли тоифалар, сиёсий кучлар ва партиялар ҳамкорлиги – барқарор тараққиёт омили. Ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлаш – давр талаби. Жамиятимиздаги ижтимоий ҳамкорлик муҳитига зарар етказувчи кучлар ва уларга қарши кураш чора - тадбирлари.

### **Миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик**

*Миллатлараро ҳамжиҳатлик ғояси. Кўпмиллатлилик ва истиқлол мафкураси.*

Ўзбекистон – кўпмиллатли давлат. Мамлакатимиз фуқароларининг тотувлиги. Миллий маданиятлар - халқларнинг маънавий яқинлиги манбаи.

Миллий истиқлол мафкурасида – барча миллатларнинг эзгу мақсадлари, мамлакат манфаатлари, тараққиёт йўли, эътиқоди ва ишончининг мужассамлашуви.

Диний бағрикенглик ғоясининг мазмун моҳияти. Толерантлик тушунчаси, унинг диний соҳада намоён бўлиш хусусиятлари. Дин, динлараро бағрикенглик ва мафкура. Мамлакатимизда турли дин ва конфессияларнинг ёнма - ён яшаши ва ҳамжиҳатлиги ижтимоий бағрикенгликнинг ёрқин намунаси сифатида. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар фаолиятининг қонуний асослари. *Ақиданарастлик ва диний экстремизмга қарши кураш. Миллий истиқлол мафкураси ва ёшларни иймон - эътиқодли қилиб тарбиялаш вазифалари.*

### **Миллий ғояни ёшлар онгига сингдириш соҳалари ва йўналишлари**

Мафкуравий тарбия тушунчаси унинг моҳияти ва мазмуни. Мафкуравий тарбиянинг миллий ва хорижий тажрибалари.

ёшларни мафкуравий тарбиялаш. *Оила ва мафкуравий тарбия.* Маҳалланинг мафкуравий тарбиядаги имкониятлари. *Мафкуравий тарбиянинг таълим тизимидаги аҳамияти.*

Аҳолининг турли қатламларини ғоявий қуроллантириш омиллари. Мафкуравий тарбияда меҳнат жамоалари, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларининг роли.

### **Мафкуравий тарбиянинг услуб ва воситалари**

Инсон, гуруҳ ва жамият феъл - атворига таъсир қилувчи мафкуравий омиллар.

Уларни таҳлил ва тарғиб қилиш усуллари. Эътиқодни шакллантирувчи услублар. Мафкуравий тарбияда маданий - маърифий муассасалар ўрни. *Адабиёт ва санъат - мафкуравий қуроллантиришнинг энг таъсирчан воситаси. Диннинг мафкуравий тарбиядаги аҳамияти.* Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг оммалашуви ва унинг мафкуравий тарбияга таъсири. Ижтимоий ҳаётда урф - одат, маросим ва байрамларнинг тутган ўрни ва уларнинг мафкуравий тарбиядаги аҳамияти. Ўзбекистонда кечаётган мафкуравий жараёнлар мониторинги ва унинг натижаларидан таълим - тарбия жараёнида фойдаланиш эффективлиги.

### **3. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУЛАРИ**

#### **Ижтимоий тараққиётда ғоя ва мафкуранинг ўрни, аҳамияти**

Мафкуравий жараёнларнинг ижтимоий - тарихий шарт - шароитлари. Бунёдкор ғояларнинг моҳияти ва мазмуни. Бунёдкор мафкураларнинг шакллари ва хусусиятлари. Миллий давлатчилик ғояси ва унинг халқлар тараққиётига таъсири.

Вайронкор ғоя ва мафкураларнинг моҳияти, хусусиятлари ва ижтимоий тараққиётга салбий таъсири. Вайронкор ғояларга қарши ғоявий - мафкуравий кураш зарурлиги.

Инсоният ҳаётида ғояга қарши - ғоя, жаҳолатга қарши – маърифат тамойилининг моҳияти. \*

#### **Ҳозирги даврнинг мафкуравий манзараси: муаммолар ва ечимлар. \***

XX асрда ғоявий қарама - қаршилиқларнинг мураккаб тус олиши. Жаҳондаги мафкуравий манзаранинг тубдан ўзгариши. Мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишлар. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви. Глобаллашув жараёнининг ижтимоий тараққиётга ижобий таъсири. Глобаллашувнинг салбий оқибатлари ва уларни бартараф этиш. Жаҳонни мафкуравий бўлиб олишга уринишлар ва Марказий Осиёга мафкуравий таъсирлар. Ҳозирги даврда геосиёсат ва мафкура. Геосиёсат тушунчаси. Марказий Осиё минтақасидаги мафкуравий жараёнларнинг хусусиятлари. Мафкуравий вазият, мафкуравий кураш ва мафкуравий иммунитет масалалари. Аҳолида мафкуравий иммунитетни шакллантириш. Ўзбекистонда геосиёсат хусусиятлари. \*

#### **Ўзбекистонда демократик жамиятнинг шаклланиши ва унинг асосий омиллари**

Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг моҳияти ва хусусиятлари. «Кучли давлатдан – кучли жамият сари» концепциясининг ҳаётда жорий қилиниши. \*

Жамият ҳаётида қонуннинг устуворлиги. Ижтимоийлашган иқтисодиёт - бозор муносабатларига ўтишнинг асоси. Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг ижтимоий характери.

## **Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг асосий тамойиллари**

Тараққиётнинг «Ўзбек модели». Жамият ҳаётида туб ўзгаришлар ва ислохотлар. Демократик жамият барпо этишда миллий истиқлол мафкурасининг аҳамияти. «Инсон ва унинг манфаатлари ҳар нарсадан улуғ» тамойилининг аҳамияти. Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузининг ошиббориши. Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотларга аъзолиги.

### **Миллий истиқлол дунёқарашини шакллантириш ва зарарли ғояларга қарши кураш**

Мафкуравий бўшлиқ тушунчаси, унинг моҳияти ва юзага келиш сабаблари. Ғоявий бўшлиқни тўлдириш усул ва воситалари. Мафкуравий иммунитет ва уни шакллантириш муаммолари. Вайронкор ғоя, ақида ва мафкураларга қарши кураш.\*

### **Миллий истиқлол ғоясининг моҳияти ва асосий тамойиллари**

Миллий истиқлол мафкурасининг моҳияти. Миллий истиқлол мафкураси – миллий ўзликни англатувчи куч. Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти. Миллий истиқлол мафкураси - ўзликни англаш мезони. Тарих - буюк мураббий. Миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойиллари. Ўзбекистонда асосий тамойилларнинг ҳаётга тадбиқ этилиш муаммолари. \*

### **Миллий истиқлол мафкурасининг ижтимоий иқтисодий асослари**

Миллий истиқлол мафкураси - мамлакат аҳолисини фаровон ҳаётга чорловчи мафкура. Ҳар бир инсон ва Ватан манфаати уйғунлиги мамлакат иқтисодий тараққиётининг замини. Кишилар турмушида мулкӣ ва маънавий уйғунлик муаммоси. «Ҳар бир фуқаронинг фаровонлиги – бутун жамиятнинг фаровонлигидир» ғоясининг моҳияти.

### **Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари**

Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги ғояларининг моҳияти. Комил инсон, Ижтимоий ҳамкорлик, Миллатлараро тотувлик, Динлараро бағрикенглик ва ижтимоий тараққиёт.

### **Миллий истиқлол мафкурасини ёшлар онгига сингдириш усул ва воситалари**

Миллий истиқлол мафкурасини ёшлар онгига сингдириш усул ва воситалари. Таълим тизимида мафкурани сингдириш муаммоси: мактабгача

таълим, ўрта умумий таълим, ўрта махсус, касб - ҳунар таълими, олий таълим. Талабаларни мафкуравий тарбиялаш мазмуни ва ўзига хослиги. Ўқитувчи, мураббий ва талаба ҳамкорлиги – маънавий тарбия омили. \*

### **Мафкуравий тарбиянинг услуб ва воситалари**

Миллий ифтихорни шакллантириш усуллари. Соғлом мулоқот маданиятини тарбиялаш услуб ва воситалари. Ватанпарварлик ва миллатпарварлик тарбиясининг самарали воситалари. \*Эътиқодни шакллантирувчи услублар. Мафкуравий қуролсизлантириш усуллари ва йўллари. Мафкуравий тарбия. ғт ғояларга қарши кураш услублари. Бевосита ва билвосита тарғибот.

**Изоҳ:** *мажбурий мавзудаги машғулотлар юлдузча (\*) билан ажратилган.*

#### **4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА - НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ**

##### **ИНТЕРНЕТ сайтлари**

1. [www.siac.euro.ru](http://www.siac.euro.ru)
2. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
3. [www.niiss.ru](http://www.niiss.ru)

#### **5. НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТУРЛАРИ**

Фанга ажратилган максимал балл – 55 балл, бундан жорий баҳолаш (Ж.Б.) га 15,4 балл, оралиқ баҳолаш (О.Б.) га 23,1 балл, якуний баҳолаш (Я.Б.) га 16,5 балл ажратилган.

Жорий, оралиқ ва якуний баҳолашлар талабалар билимини оғзаки, ёзма шаклларда назорат қилиш ҳамда рефератларни текшириш усулида ўтказилади.

Саралаш балл – 30,2 балл.

Ўқув йили давомида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанидан 56 - 70% тўплаганлар «қониқарли», 71 - 85% лар «яхши», 86 - 100% тўплаганлар «аъло» баҳолар билан баҳоланади.

## 6. АДАБИЁТЛАР

### Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1 - Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2 - Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А.. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3 - Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан Т.4 - Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.: Шарқ, 1998.
9. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
11. Каримов И. А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир –Т.: Ўзбекистон, 2000.
12. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
13. Каримов И.А. Раҳбар, етакчи ўзи ёниб, ўзгаларни ҳам ёндириб яшаши керак. //Халқ сўзи, 2002 йил, 22февраль.
14. Каримов И.А. Қорақалпоқ диёрининг салоҳиятини рўёбга чиқариш, одамлар ҳаётини янада яхшилаш долзарб вазифа. //Халқ сўзи, 2002 йил, 3 май
15. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессияси //Халқ сўзи, 2002 йил, 20 август.
16. Каримов И.А. Ҳаётимизнинг, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига бағишлаб сўзланган нутқи. //Халқ сўзи, 2002 йил, 7 декабрь.
17. М. Шарифхўжаев Ўзбекистон янги ғоялар, янги ютуқлар - Т.: Шарқ, 2002.
18. М. Шарифходжаев Формирование открытого гражданского общества в Узбекистане. - Т. 2002.

## Қўшимча адабиётлар

1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1993.
2. Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар - Т. 1968.
3. Амир Темур. Темур тузуклари. - Т. 1996.
4. Алишер Навоий. Махбуб ул - қулуб. - Т. 1987.
5. А. Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Т. 1994.
6. Баркамол авлод орзуси. - Т.: Шарқ, 1999.
7. Соғлом авлод – бизнинг келажагимиз. - Т.: Ибн Сино номидаги нашриёт, 2000.
8. Маънавият юлдузлари. - Т.: А.Қодирий номидаги нашриёт, 1999.
9. Халқ, миллий мафкура ва зиёли масъулияти. //Тафаккур, 1999 2 - сон.
10. Қуръони карим. - Т.: Чўлпон, 1993.
11. Қалтис саволларга холис жавоблар. //Тафаккур, 1999 йил, 3 - сон.